O'zbekiston Respublikasi
BUXORO VILOYATI
Kogon shahar hokimi
QARORI

Ўзбекистон Республикаси
БУХОРО ВИЛОЯТИ
Когон шаҳар ҳокими
ҚАРОРИ

Коғон шаҳри

2019 йил "30" 09 **1883-сон**

2019-2020 ўқув йили мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш ва умумтаълим муассасаларига ҳудудларни бириктириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги "Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 140-сон қарори ижросини таъминлаш, мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш ва умумтаълим муассасаларига ҳудудларни бириктириш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. 2019-2020 ўқув йилида мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш мақсадида умумтаълим муассасаларига бириктирилган ҳудудлар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Когон шаҳар ҳалқ таълими бўлими (Ў.Эшонқулов):

Когон шаҳридаги барча умумий ўрта таълим муассасаси педагог ходимлари томонидан мактаб ёшидаги болаларни бирма-бир (уйма-уй) рўйхатга олиш орқали уларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олинишини;

умумий ўрта таълим муассасаси педагог ходимлари қўшимча вазифа топширилиши муносабати билан белгиланган тартибда уларнинг меҳнатига қўшимча ҳақ тўланишини таъминласин.

3. Шаҳар ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари А.Эшов ҳамда Когон шаҳар халқ таълими бўлими мудири Ў.Эшонқуловга:

-мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълим муассасаларига тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш;

-таълим муассасалари масъулларига мактаб ёшидаги болаларни рўйхатга олиш ишларига услубий ёрдам кўрсатиш, таълим муассасалари томонидан тақдим этилган ҳужжатларни назорат қилишни сифатли амалга оширилиши юзасидан шаҳар халқ таълими бўлимида тажрибали мутахассислардан иборат экеперт гуруҳи тузиш;

-мазкур қарорни 2 кун муддатда барча умумтаълим муассасаларига етказиш ва ижросини таъминлаш топширилсин.

4. Когон шаҳридаги барча умумий ўрта таълим мактаблари директорларига:

-бириктирилган ҳудудлардаги 0-18 ёшдаги болаларнинг сонини аниқлаш ишларини доимий назоратга олиш;

-мактаб ёшидаги 7-18 ёшли болаларни рўйхатга олиш ишларини ўз муддатларида сифатли амалга оширилишини таъминлаш;

-жорий йилнинг 1 ноябрга қадар 0-18 ёшли болаларнинг аниқ сони ва рўйхатини халқ таълими бўлимига тақдим этиб бориш;

-2019-2020 ўқув йилида 1-синфга ўқишга қабул қилинган болалар сони қабул режасига нисбатан ошиб кетган ҳамда ўқитишга моддий-техник имконияти етмайдиган мактаблардан яшаш жойи бўйича ҳудуди бириктирилган мактабларга қабул қилиш (ўтказиш) орқали таълим сифатини яхшилаш чораларини кўриш;

-мазкур қарор мазмун-моҳиятини аҳолига, хусусан мактаб ёшидаги болалари мавжуд бўлган ота-оналарга тушунтириш ишларини олиб борин таъминирилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, бириктирилган ҳудуддаги мактаб ёшидаги болаларни ўз вақтида умумтаълим муассасасига ўқишга жалб қилиш учун умумтаълим муассасалари раҳбарлари шахсан масъул эканлиги белгилансин.

6. Умумий ўрта таълим мактабига ўқишга қабул қилинаётган болаларнинг ота-оналари умумтаълим муассасаси низоми, ички тартиб-қоидалари ва таълим-тарбия жараёнини тартибга солувчи бошқа ҳужжатлари талабларига риоя этилишини таъминласин.

7. Когон шаҳар ҳокимининг 2019 йил 1 мартдаги 316- сон "Мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга қамраб олиш ва умумтаълим муассасаларига ҳудудлар (микроҳудуд) белгилаш тўғрисида"ги қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб қонуний кучга киради.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари А.Эшов зиммасига юклатилсин.

Когон шаҳар ҳокими Ҳ.Ҳошимов

UMUMIY BO'LIMI

Шаҳар ҳокимлиги
20 йил да
_____ қарорига илова

UMUMIY BO'LIMI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BUXORO VILOYATI KOGON SHAHAR HOKIMLIGI BOSHQARUV APPARATI

Умумтаълим муассасаларига бириктирилган ҳудудлар (микрохудуд)

Т/Р	мактаб рақами	таълим тили	Микрохудуд номланиши		Масъул мактаб директори Ф.И.О
			МФЙ	Кўча номи	
1	1-мактаб	ўзбек	18-МФЙ «Беруний»	Нуробод 2-13, Семург 2-7	Х.Авезов
			16-МФЙ «Бухоро Шариф»	А.Темур 1-33.	
			5-МФЙ «Фуркат»	Зафаробод 1-59, Шодлик, Кончилар, Фарғона, Сариосиё	
2	2-мактаб	ўзбек	2-МФЙ, «Бунёдкор»	Олтинкўл 2-44,Сайлгох 2-42, М.Таробий1-55, М.Таробий туб, Умид 2-22,М.Таробий 75-107, А.Фармонов 1-11, Бухоромох1, Гулобод, Осиё, Пахтакор16	З.Абдуллаева
			7-МФЙ «А.Навоий»	М.Таробий 51-45, умумий ховли 47-49,53, Сайлгох 57-99, Сайлгох 46-58(Ж), Олтин кул (Т) 46-82(Ж, Хиёбон,	
3	3-мактаб	ўзбек, рус	16-МФЙ «Бухоро Шариф»	А.Темур 1-33, Бунёдкор, Азизобод, Элобод, Бустон, Бахористон	Н.Шахдилова
			18-МФЙ «Беруний»	Туркистон 1-6, Маданият 1-4,Ватанпарвар 15,17,27,29, Нуробод 16-63, Замондош, Истирохат, Казакаул, Гиждувон, Маърифат 2-12, Ташаббускор	
4	4-мактаб	ўзбек	6-МФЙ «А.Кодирий»	Маданият24-27, Туркистон 21-66, Жондор 6, Когон , Депочилар, Шоммачит, Истиклол, Олмазор,Зарафшон, А.Кодирий 10	М.Шайдоева
			19-МФЙ «Туркистон»	Саодат, Зобитлар, Навинхол, Семург 8-28, Жондор1-5, Маданият 1-23, Туркистон 7-20	
5	5-мактаб	ўзбек	3-МФЙ «Махтумкули»	Боғичинор, Халкобод, Коинот, Карши, С.Айний, Махтимкули, Файзибаланд, Бахт,Ашхобод, А.Темур35-70	М.Нажанова
			15-МФЙ «Навзирабод»	Амиробод 1-35, Зирабод 1-64, Р.Вохзе 4	
			4-МФЙ «Зирабод»	Варахша, Кадрият, Дилкушо, Нуроний,	
			5-МФЙ «Фуркат»	Зафаробод 60-85	
6	6-мактаб	ўзбек	4-МФЙ «Зирабод»	Зирабод 65-101, Камода 1-226, Амиробод 36-125, Рудакий,, Саховат, Хуррият, Нуроний,	Н.Кодирова
			9-МФЙ «Хужабарги»	Хўжабарги кўчаси	
			15-МФЙ «Навзирабод»	Камолот 21-41, Нурафшон, Мукимий, Чорбог, С.Рахимов, боғишамол, Янгиобод, Навзирабод	
7	7-мактаб	ўзбек	13-МФЙ "А.Темур»	Таробий 59-75(Тоқ), Олтин кўл 23-65(Тоқ), 84-118(Жуфт), Сайлгох 60-72(Ж), 99-143(Т),Маънавият 43-81(Т), 46-66(Ж), Ўзбекистон , 28-66 (Ж), Хива1, Машъал 1,3,5,7,9,13,14,15, Тараккиёт, Узумзор, Мафтункор, Шодиёна, Ифтихор, Тадбиркор, М.Рохат, Курувчи, Тошмачит	Б.Халимов
			14-МФЙ «Истиклол»	Машъал, Инакўли, Хива 7-25	
			7-МФЙ "А.Навоий"	Майдон, Бахор, Хоразм, Истиқбол, Гулистон, Тараккиёт,	

				Шифокорлар, Маънавият	
8	8-мактаб	ўзбек	8-МФЙ «Зиёкор»	Юксалиш, Файзиобод, Камалак, Наврўз, 8-Март, Гулзор, Давлатобод, Зиёкор, Сайқал, Дехконобод, Байналминал, К.Отаниёзов, Бухоройох 41-69	Б.Қурбонов
			21-МФЙ «Мустақиллик»	Бирдамлик, Мустақиллик, Ш.Рашидов, Навбаҳор, Дўстлик (ховлилар)	
			1-МФЙ «Арабхона»	Халклар дўстлиги	
			17-МФЙ «Дўстлик»	Дўстлик, Ёшлик, Шарк, Гиштлик, Нафосат, Фидокор, Алишер Арабхона, Бухоро 1ох 27 (стоккона)	
9	9-мактаб	ўзбек, рус	20-МФЙ «Улугбек»	Бухоройох 5,7,16,18,20,22,26,27,28, Дўстлик 1,3,5,21 (уйлар ва ховлилар) КБШ 13 А.Б.В.Г, Д.Е.Ж, Ахиллик	Ф.Хидоятов
			10-МФЙ "Бобур"	Коровулбозор шох кўчаси ,8,9,10,11,12,13,14,15,16,17,18,19,20,21,22,23, 38,39 Шухрат, Янги йўл, Ж.Мангуберди, Садаф	
			7-МФЙ "А.Навоий"	Дўстлик 47-коттедж 2-уй, 49- коттедж 1-2уй, 41-А,45- коттедж	
10	10-мактаб	ўзбек, рус	1-МФЙ «Адолат»	Адолат кўчаси	
			1-МФЙ «Арабхона»	Бухоро шох 9,11,13,15,17,19,21,21-А,23,25,25-А,27, 27-А, Турон	
11	17-ИДУМ	ўзбек	12-МФЙ «Темирйўлчи»	Бухоро шох 5, Умид 23,49, Зебинисо, Темирйўлчи, Янги хаёт, Хакикат, Турон	Б.Халимов